

## **STUDY OF THE RANGE OF MEDICINES USED FOR THE PREVENTION AND TREATMENT OF GASTROINTESTINAL AND TWO-FINGER GASTERE**

**В Т Khasanova**

Tashkent Pharmaceutical Institute

Gastrointestinal diseases can have a negative effect on the digestion and absorption of nutrients and on the overall health of the body. The gastrointestinal tract is a twisted tube that begins in the mouth and ends in the anus. For this reason, gastrointestinal diseases include a wide range of diseases and have a large number and frequency.

## **МЕЪДА ВА ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРАСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШДА ҚЎЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ АССОРТИМЕНТИНИ ЎРГАНИШ**

**Б.Т.Хасанова**

Тошкент фармацевтика институти

Ошқозон-ичак касаллеклари озуқа моддаларининг ҳазм бўлиши ва сўрилишига ва тананинг умумий саломатлигига салбий таъсир қўрсатиши мумкин. Ошқозон-ичак тракти оғиз бўшлиғидан бошланиб, анусда тугайдиган бурилиши найчадир. Шу сабабли, ошқозон-ичак касаллеклари кенг кўламли касаллекларни ўз ичига олади ва қўп сонли ва частотага эга.

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги – сурункали, қайталанувчи, қўзиш ва тинч даврлар алмашиниб келувчи касаллик бўлиб, унинг асоси – шиллиқ қаватда яра ҳосил бўлиши ҳисобланади.

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг келиб чиқиши кўп омилли бўлиб, унинг келиб чиқишига наслий, руҳий, алиментар (овқатланиш билан боғлиқ), механик, хеликобактер пилори бактерияси, заарарли одатлар ва айrim дори воситаларидан узоқ муддат фойдаланиш кабилар сабаб бўлади.

Шунингдек, асабийлашиш, стресс, ошқозон шираси ишлаб чиқарилишини кучайтирувчи аччик, дудланган, хамирли таомлар, пишириқлар, қуруқ ва совуқ овқатлар, овқатланиш мунтазамлигининг бузилиши, шакар маҳсулотлари, қаҳва ва бошқалар ҳам касаллик юзага келишига сабаб бўлиши мумкин (3, 4).

Адабиётлардаги маълумотларга кўра Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллеклари ичida Пептик яра-қорин бўшлиғининг энг кенг тарқалган касалликдир. АҚШ ахолисининг 10% пептик яра билан касалланган. Хар йили 350 00-дан 450 00-га янги касалланиш холатлари қайд этилади. Германиянинг хар ўнинчи ахолиси Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллекларига чалинади. Бундан ташқари, Швейцария 10,2%, МДХ, Россия ва Ўзбекистонда катталар ўртасида 5-6% гача қайд этилган (64).

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллекларида ишлатиладиган дори воситалари ассортиментини ўрганиш Tibbiёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрининг 2021 йил 25 сонида келтирилган дори воситалари тахлили асосида амалга оширилди (1).

Таҳлил учун ATX классификациясига биноан Антацидлар, метеоризм ва Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигини доволашда ишлатиладиган ингибитор Н+К+АТФазы, Н2-блокатор препаратлар A02A; A02B; A02AC; A02BD; A02X гурӯхлари олинди.

Тахлил натижаларига кўра Махаллий фармацевтика махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 6 та халқаро патентланмаган номдаги, 46 савдо номидаги, МДХ мамлакатлари фармацевтика махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 7 та халқаро патентланмаган номдаги, 14 савдо номидаги, чет эл фармацевтика махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 18 та халқаро патентланмаган номдаги, 182 савдо номидаги дори воситалари Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган.

Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрининг 2021 йил 25 сонида келтирилган дори воситаларини фармацевтика бозоридаги тутган ўрни, маркетинг тадқиқотлари юзасидан изланишлар давом эттирилмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестри”нинг 2021 йил 25 сони;
2. Kulkarni PN., Batra Y.K., Wig J. Effects of different combinations of H<sub>2</sub> receptor antagonist with gastrokinetic drugs on gastric fluid pH and volume in children-a comparative study.// int J Clin Pharmacol Ther.-1997.-vol.35.-N12.-P 561-564.
3. [https://www.volgmed.ru/uploads/files/2020-2/126812-bazovye\\_klassifikacii\\_lekarstvennyh\\_sredstv.pdf](https://www.volgmed.ru/uploads/files/2020-2/126812-bazovye_klassifikacii_lekarstvennyh_sredstv.pdf)
4. <https://daryo.uz/k/2021/11/29/oshqozon-ichak-kasalliklari-rivojlanishining-7-sababi/>